

ҚАЙТАЛАНУВЧИ ОДДИЙ ГЕРПЕС ИНФЕКЦИЯСИДА СТАНДАРТЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИК АНКЕТА- СЎРОВНОМАНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА АХБОРОТЛИЛИГИ

Хамидова Н.Қ.

*Бухоро давлат тиббиёт
институтини, Бухоро, Ўзбекистон*

Долзарблиги. Эпидемиологик маълумотларни тўплашда қўлланиладиган воситанинг тузилиши олинадиган натижанинг ишончлилигини бевосита белгилайди. Турли тадқиқотчилар томонидан, ҳар хил шароитда ва турлича саволлар билан йиғилган маълумотлар қиёсланувчанлигини йўқотади. Қайталанувчи оддий герпес инфекцияси (ҚОГИ) бўйича минтақавий шароитга мослаштирилган, ички аниқлиги текширилган стандарт восита эса ҳозирча ишлаб чиқилмаган.

Мақсад. ҚОГИ бўйича эпидемиологик маълумотларни бир хил тартибда тўплашга мўлжалланган стандартлаштирилган анкета-сўровномани ишлаб чиқиш ва унинг ахборотлилигини баҳолаш.

Материал ва усуллар. Анкета 18 дан 68 ёшгача бўлган 240 нафар текширилувчида шахсий суҳбат шаклида, бир хил шароитда ва битта тадқиқотчи томонидан тўлдирилди. Бу маълумот тўплашдаги субъектив тафовутларни камайтириш имконини берди.

Восита етти қисмдан иборат қилиб тузилди: I — демографик маълумотлар (ёш, жинс, oilавий ҳолат, таълим даражаси); II — ҳудудий маълумотлар (доимий яшаш жойи, туман, яшаш муддати); III — касбий-меҳнат маълумотлари (касб тури, меҳнат шароити, иш стажи); IV — касаллик анамнези (касаллик бошланган ёш, тошмалар локализацияси, рецидивлар частотаси ва давомийлиги, ремиссия узунлиги); V — мавсумий динамика (рецидивларнинг ойлар ва фасллар бўйича тақсимооти); VI — провокацион омиллар (гипотермия, инсоляция, стресс, респиратор инфекциялар, гормонал ўзгаришлар); VII — жинсий-маиший ва oilавий анамнез.

Анкетанинг ички аниқлиги Кронбах альфа коэффициентини ёрдамида баҳоланди; коэффициент қиймати 0,7 дан юқори бўлганда восита аниқ деб қабул қилинди. Тўлдириш сифатини назорат қилиш мақсадида тасодифий тартибда танланган 10% анкета маълумотлари амбулатория карталари ва диспансер кузатув журналлари билан солиштириб текширилди; мослик даражаси 95% дан юқори бўлиши талаб қилинди.

Натижалар. Анкетанинг етти қисмли тузилиши ҚОГИ нинг эпидемиологик манзарасини тўрт йўналишда — ҳудудий, касбий, мавсумий ва

оилавий-маиший — бир вақтда тавсифлаш имконини берди. IV ва V қисмлардан олинган маълумотлар мавсумийлик индекси ва амплитудасини ҳисоблаш учун, VI қисм эса провокацион омиллар бўйича нисбатлар хавфини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Тўлдириш тартибининг бир хиллиги — барча иштирокчиларда битта тадқиқотчи томонидан, шахсий суҳбат шаклида — маълумотларнинг гуруҳлараро қиёсланувчанлигини таъминлади. Тиббий ҳужжатлар билан солиштириб текшириш эса анамнез маълумотларининг ишончлилигини назорат қилиш имконини берди.

Хулоса. Ишлаб чиқилган етти қисмли стандартлаштирилган анкета-сўровнома ҚОГИ бўйича эпидемиологик маълумотларни бир хил тартибда тўплашга имкон беради ва минтақавий тадқиқотларда қўлланилиши мумкин. Восита қиммат ускуна ёки лаборатор база талаб қилмайди, шу боис бирламчи бўғин шароитида ҳам жорий этилиши мумкин.